Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 14 май, пайшанба • № 57 (22.294).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни «Симон виезентал маркази» халқаро яҳудийлар ташкилотининг ташқи алоқалар бўйича директори Шимон Самюэлс раҳбарлигидаги ушбу ташкилот делегациясини қабул қилди.

Мазкур ташкилот 1977 йили тузилган бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган яҳудий миллатига мансуб 44 мингдан ортиқ кишини бирлаштиради. Унинг асосий мақсади иккинчи жаҳон уруши йилларида инсониятга қарши жиноят содир этган ёки бунга кўмаклашган шахслар ҳақида маълумот тўплаш ва уларни ҳуқуқ-тартибот органларига топширишдан иборатдир. Шунингдек, ташкилот фаолияти ирқчилик, халқаро террорчилик, неонацизм ғояларининг тарқалиши, демократияга таҳдид, инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши курашни қўллаб-қувватлашга ҳам қаратилган. Ташкилот саъй-ҳаракатлари ёрдамида иккинчи жаҳон урушида инсониятга қарши жиноят содир этган ва неонацизм ғояларини тарқатган мингдан ортиқ шахс фош этилган. «Симон виезентал маркази» БМТ ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар, ЕХҲТ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Ислом Каримов ташкилот фаолиятига юқори баҳо берар экан, ушбу ташрифни Ўзбекистон билан халқаро яҳудийлар ташкилотлари ва Исроил давлати ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам, дея изоҳлади.

— Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб яҳудийлар Ўзбекистон заминидан бошпана топган, — деди Ислом Каримов. — Халқимизнинг бағри кенглиги, пурсаховатлиги туфайли шу кунгача юртимизда бирор марта антисемитизм ҳаракатлари кузатилмаган. Ўзбекистонда кўплаб синагогалар, Марказий Осиё диний семинарияси ва бошқа масканлар фаолият кўрсатиб турибди. Айрим шаҳарларимизда яҳудий маҳаллалар бор. Буларнинг барчаси ўлкамизда миллатлараро тотувлик мустаҳкам қарор топганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг халқаро яҳудийлар ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиришга ва, айни пайтда, Исроил билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Меҳмонлар Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритаётган сиёсат, мамлакатда ўрнатилган барқарор вазият, миллатлараро тотувликка юқори баҳо беришди. Ташриф давомида Самарқанд ва Бухородаги кўплаб диққатга сазовор жойларни, яҳудий синагогаларини зиёрат этганларидан мамнуният билдирди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари У. Исмоилов, Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЮРТИМНИ ЎЙЛАГАНИМ РОСТ

Инсон табиати қизиқ. Ўзи истаган, ёқтирган жойларга бориб, мириқиб дам олиб зиёрат қилгандан кейин, уч кун ўтмай яна она юрт хумори тутади. Ахир биз уч кун эмас, беш йил энг қийин шароитларда тоғу тошлар, ўрмону ботқоқликларни макон тутиб, душман билан жанг қилганмиз. Юртбошимиз 9 май куни «Биродарлик қабристони»да таъкидлаганларидек, биз ёвга қарши отланганимизда аввало уйимизни, маҳаллаю қишлоғимизни, энг яқин кишиларимизни, отаю онамизни, қолаверса, йўлимизга интизор бўлиб турган ёримизни бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаганмиз. Балки, туғилиб ўсган жойларимизга, бизни улғайтирган кишиларга бўлган меҳр душманга нафрат бўлгани учун омадимиз чопгандир. Тўғри, фронтда ҳамма бирдек оға-ини бўлиб кетганди. Зеро, қора кўзларни кўрганда шундай тўлқинланиб кўзларимизга ёш қалқирди. Шу жиҳатдан қараганда, «Биродарлик қабристони»даги олтин ҳарфлар билан ёзилган қаҳрамон шаҳарлар номи ўрнига Ўзбекистоннинг истиқболини ўйлаб қўлига қурол тутган ўғлонларнинг хотираси абадийлаштирилиши ҳақидаги мулоҳазани маъқуллаш жоиз деб ўйлайман.

Абдуҳаким АБДУМАЛИКОВ,
Тошкент шаҳри, уруш ва меҳнат фахрийси.

КЎЗЛАРИМГА ЁШ КЕЛДИ

Юртбошимизнинг 9 майни «Хотира куни» деб юритиш ва ҳамда Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ва фронт ортида жасорат кўрсатганлар, ҳалок бўлганлар руҳини ёдга олиш, абадийлаштириш тўғрисида айтган сўзларини эшитиб, кўзларимга ёш келди. Туманимиздан урушга отланган йигитларнинг 1400 нафардан зиёди ўзга ўлкаларда шаҳид кетдилар. Биз тириклар ана шу сафдошларимизни, тенгқурларимизни, ёш авлод эса ота-боболарнинг номларини унутмасликлари керак. Хотира ёдгорликларида барча шаҳидларнинг номлари абадиятга муҳрланмоғи лозим.

Оғабой СОТИБОЛДИЕВ,
биринчи гуруҳ уруш ногирони,
Боғот туманидаги Деҳқонбозор қишлоғи.

«АЛПОМИШ»ДАН КУЙЛАР ЁШЛАР

Қарши шаҳрида ўтказилган ёш бахшилар танлови ўзига хос байрамга айланди. Тадбирни республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институти ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди. Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида давом этган бу тадбир «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги доирасида уюштирилди. Кўрик-танлов «Алпомишхонлик кечаси» билан бошланди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг 41 нафар бахшию шоирлари иштирок этди. Улар «Алпомиш» достонидан, анъанавий терма ва ўз ижодларидан намуналар ижро қилишди.

Кўрикда Деҳқонобод туманидаги Бобур номли мактаб ўқитувчиси Абдумурод бахши Раҳимов ғалаба қозонди. Нукуслик Зулфия Арзимбетова, Қумқўрғондан Зулхумор Шерназаровалар иккинчи бўлишди. Шеробод туманидан Шодмон Эгамбердиев, Қумқўрғондан Исмоил Анваров, Музроботдан Расул Умиров, Хивадан Илҳом Рўзметовларга учинчи ўрин насиб этди. Кеча айтишув билан якунланди. Ғолибларга Улуғбек жамғармасининг мукофотлари, вилоят ҳокимлиги совғалари топширилди.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ

Ҳунарлининг қўли гул. **Шавкат АКРОМОВ олган сурат**

ТЕЛЕФОН «СОҚОВ» БЎЛМАСИН

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда телекоммуникацион тармоқни таъмирлаш ва ривожлантиришнинг миллий дастурига мувофиқ Тошкентда барча телефон тармоқларини ҳар томонлама янгилаш жараёни бормоқда. Ўнлаб замонавий электрон станциялар қурилиб ишга туширилди. ВОЛС (Волокон-оптик алоқа тизими) 23 та АТСни ягона халқага бирлаштирди.

Табиийки, буларнинг ҳаммаси катта маблағ талаб этадиган ишлардир. Мижозлардан олинадиган маблағлар унинг анчагина қисмини ташкил этади. Бироқ, бу соҳада, айниқса, кейинги пайтларда Тошкент шаҳрида телефон алоқаси ва радиолаштириш хизмати ҳақлари ўз вақтида тўланмаётгани оқибатида каттагина миқдорда дебиторлик қарзлари пайдо бўлди.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ташкилоти ходимлари мижозлар билан ҳисоб-китобларни яхшилаш борасида нималар қилишяпти? Шу ва бошқа саволларга мижозлар билан ҳисоб-китоблар бўйича хизмат бошлиғи М. Х. Абдуллаева жавоб берди.

— Бугунги кунда Тошкентда 61 та АТС салкам 450 минг номерга хизмат кўрсатяпти. Бу катта хўжаликни ҳамиша бир маромда юргизиш, ривожлантириш ва янгилаб бориш учун озмунча маблағ талаб этилмайди. Бироқ, барча мижозларимиз ҳам телефон хизмати ҳақини ўз вақтида тўлашмаяпти. Биз эса ўз навбатида тармоқни янгилаш, тубдан таъмирлаш ва ҳар хил шикастларга барҳам бериш учун зарур бўлаётган маблағларни тўлолмаётибмиз.

— Қарздорлар рўйхатида кимлар «етакчилик» қилишяпти?

— «Рекорд қўйганлар» бу — Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (биздан 7,4 миллион сўмга яқин қарз), «Ўзенгилсаноат» уюшмасининг ишлар бошқармаси (3 миллион 808 минг сўм), Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (2 миллион 75 минг сўм), «Ўзколхозстрой» (3 миллион 126 минг сўм), БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (1 миллион 280 минг сўм), Республика Мудофаа вазирлигининг ишлар бошқармаси (2 миллион 627 минг сўм), Тошкент Давлат техника университети (2 миллион 206 минг сўм), «Лола» Центрофис ҳиссадорлик жамияти (салкам 2 миллион сўм), «Таштекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси (1 миллион 104 минг сўм), «Алгоритм» корхонаси (1 миллион 40 минг сўм), «Ўздавсувлойиҳа» институти (870 минг сўм), Юнусобод тумани халқ таълими бўлими (870 минг сўм), «Узглавстройиндустрия» (781 минг сўм). Ҳали бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Айтгандек, «Ўзколхозстрой» биринчи йил бу «ҳунари»ни кўрсатаётгани йўқ. 1997-98 йилларда уларнинг қарзлари 3 миллион сўмдан ошиб кетди. Хўжалик судига даъвоариза бергандик, ташкилот ўз мол-мулки билан ҳисоб-китоб қилиши зарурлиги ҳақида қарор чиқариб берди.

Умуман олганда бизга ярим миллиард сўмга яқин маблағ ўтказилгани йўқ.

— Дебиторлик қарзларини камайтириш учун сизнингча нима қилиш зарур?

— Энг аввало, чўнтагига қараб яшашлари керак. Яъни, ўз имкониятлари ва эҳтиёжларини чўтга солмоқлари лозим. Акс ҳолда «анъанавий» чоралар кўришимизга тўғри келади. Булар эса кўпчиликка маълум: ўз вақтида ҳақини тўламаганлиги учун телефон узиб қўйилади, текшириш актлари тузилади ва иш прократурага, хўжалик судига, ҳокимиятларга ва юқори ташкилотларга оширилади.

Қолаверса, бу чоралар бизга ҳам унчалик хуш келавермайди. Чунки, бизга мижозларимизни йўқотиш фойдали эмас, албатта. Ҳисоб-китоблар жараёнини анчамунча енгиллаштиришга биз ҳам интиламиз.

Агар мижозларимиз илгарилари ҳар ойда бир марта телефонда гаплашганликлари учун тўлов қоғозини олган бўлсалар, эндиликда улар гаплашиб бўлган куннинг эртасигаёқ бунинг ҳақини тўлашлари мумкин. Бу — алоқа бўлимининг ҳисоб-китоб гуруҳида амалга оширилади. Лимит-кредит тизими муваффақиятли ишлаб турибди. У олдиндан мижозларимизни «Қарзингиз 5 минг сўмдан ошиб кетди», — деб огоҳлантира бошлайди. Хуллас, мижозларимизга йирик сумма дарагини айтишдан кўра, уни бўлакларга бўлиб тўлаш қулай-да.

Баҳсли ҳолатлар ҳам бўлиб турибди. Чунончи, ташкилот бинони ижарага беради-да, ўзича «Телефондан бемалол фойдаланаверасиз» дейди. Уларнинг бундай қилишга ҳақлари йўқ. Негаки, телефон хизматидан фойдаланганлиги учун биз мижозларимиз билан ҳисоб-китоб қиламиз.

— Бундай ҳоллардан қандай қутилиш мумкин?

— Жуда оддий. Телефондан янги фойдаланаётган ташкилот (ҳозирги мисолда ижарага олган ташкилот) номерни ўзига қайта расмийлаштириб олиши зарур. Ана шунда сих ҳам, кабоб ҳам куймайди.

Аммо, хонадонлар телефонларидан фойдаланишда кўп ишкалликлар келиб чиқмоқда. Қисқаси, бирлашмада бу муаммо билан бевосита махсус гуруҳ бир неча йилдан бери иш олиб бормоқда.

— Муштарийларга ҳам қизиқ: шу муаммолардан энг «машҳур»лари қайсилар?

— Нимасини айтасиз. Худди саргузаштга ўхшаб кетади. Масалан, мижозимиз Кузнецовага бир киши «Сенинг қариндошларинг ҳамюртиман» деб битта хат берган. Уникида яшашни илтимос қилган. Хуллас, ҳалиги киши жўнаб кетгандан кейин маълум бўладики, шаҳарлараро телефонда сўзлашиш ҳақи 14 минг сўмни ташкил этибди. Устига-устак қандайдир буюмлари ҳам йўқолганмиш.

Хонадон эгаси милицияга мурожаат қилди. Кейинчалик маълум бўлдики, Гриша деган бу одам почта қутисида ётган хатни суғуриб олиб, «сенинг қариндошларинг бериб юборди» деб Кузнецова қўлига тутқазган. Товламачини ҳозир милиция қидирмоқда. Хонадон эгаси телефон ҳақини тўлашга мажбур. Ахир, бу унинг телефони-да.

Бошқа бир мижозимиз (унинг ҳам фамилияси Кузнецова) Алоқа вазирлигига шикоят билан чиқибди. Биз шаҳарлараро телефондан фойдаланганлиги учун (у гаплашмаганман, деган) ундан ҳақ талаб қилаётганмишмиз. Мутахассисларимиз бунинг илдизига етишди. Маълум бўлишича, бу хонадонда ҳам бир ижарачи турган. У жўнаб кетгандан кейин мана шу қарз намоён бўлган.

Мижозимиз Шокирова Ўш шаҳри билан гаплашганлиги учун 6 минг сўм тўлашни қатъий рад этди. Эмишки, у ёқда қўнғироқ қиладиган ҳеч кими йўқ экан. Атрофлича текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, унинг фарзандлари қўнғироқ қилишган экан. Бир синфда ўқиган синфдошлари билан мириқиб суҳбатлашишган.

Мана, яна бир мижоз Колесов уйида Афғонистондан келган бир киши икки ой яшаган. Телефондаги суҳбатлар ҳақи 850 минг сўмни ташкил этган. Ҳозир бу иш судда кўриляпти.

Покистон фуқароси бир хонадонда ижарада турган. Телефонини ҳам рисоладагидек ўзига қайта расмийлаштириб олган. Аммо, шаҳарлараро телефон хизматидан фойдаланганлиги учун 360 минг сўмга тўлов қоғози беришганида тўлашдан бош тортишга уринган. Уни ҳам тегишли органлар ёрдамида тўлашга мажбур этишга тўғри келди.

Кўриб турибсизки, ҳар хил ҳодисалар. Аммо, хулосаси битта. Телефон эгаси ўз номига уни расмийлаштирганми, ундан фойдаланишга ҳам, барча ҳисоб-китобларга ҳам у жавоб беради.

— Ёз ҳам келяпти. Ҳадемай таътиллар бошланиб кетади. Агар узоқроққа кетишса телефон билан муносабат қандай бўлади?

— Мижоз алоқа бўлимига бориши керак. Телефонни вақтинча ўчириб қўйишларини, қайттандан сўнг эса улаб беришларини сўраса кифоя.

Хуллас калом, телефон қандайдир муаммолар манбаи бўлмаслиги керак. Бунинг учун белгиланган қоидаларга риоя қилиш кифоя.

Рафаэль ЗАГРАТДИНОВ суҳбатлашди.

Бу дунёнинг ишлари

ҲИНДИСТОНДА ЯДРО ПОРТЛАДИ

Ҳеч ким кутмаган пайтда Ҳиндистонда ерости ядро синови ўтказилди. Буни бутун жаҳон жамоатчилиги чуқур ташвиш билан кутиб олди. Ражастхон вилоятидаги полигонда ўрнатилган учта ядро қурилмасининг портлатилишидан бутун қитъа ларзага келди. «Совуқ уруш» даври тугаганидан бери биринчи марта дунёдаги осойишталикка путур етди.

Ҳа, Ҳиндистон таваккалчилик йўлидан бормоқда. 1974 йилнинг май ойида жанговар ядровий қуролларнинг дастлабки синовидан сўнг Ҳиндистон бундай ҳаракатлар қилмасликка ваъда берган эди. Аммо, ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартномани ҳам имзоламаганди. Бунда у бошқа бешта ядровий давлатларга қурол заҳираларини қисқартиришни шарт қилиб қўйганди. Бундан ташқари Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракатининг ташкилотчиси сифатида барча давлатларга ибрат кўрсатаётган эди. Энди эса, Деҳлининг барча ҳаракатлари хўжакўрсинга эканлиги билиниб қолди.

Ҳиндистондаги ядро синовини бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари, жаҳон ҳамжамияти ғазаб билан кутиб олди. Масалан, Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин АҚШ Президенти Билл Клинтон билан телефон орқали суҳбатлашиб, ана шу кунгилсиз воқеага ўзининг кескин жавобларини беришди. Канада эса ўтган сешанба куни ўзининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисини чақириб олди. Расмий Токио эса Ҳиндистонга хориждан келаётган молиявий ёрдамни тўхтатиш зарурлигини айтди. Ваҳолонки, Япония кейинги 6 йил ичида Ҳиндистонга заём сифатида йилига 1 миллиард долларлик ёрдам бераётган эди. Австралия билан Янги Зеландия ҳам ўз элчиларини чақириб олишди. Хитой эса ушбу ядро синовлари Жанубий-Шарқий Осиёдаги тинчликка ва барқарорликка раҳна солади, деб баёнот берди.

«Мен Ҳиндистонни бундан буён ядро синовлари ўтказмасликка ва бундай синовларни тўла тақиқлаш ҳақидаги шартномани ҳеч қандай талабларсиз имзолашга чақираман». Бу ҳақда АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уйдаги нутқида баёнот берди. АҚШ Президентининг сўзларига қараганда бундай синовлар минтақадаги хавфсизликка тўла таҳдид солади.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Генерал Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари толибларни Афғонистоннинг Шимолий-Шарқидаги Тоҳар вилоятининг бешта аҳоли пунктидан қувиб чиқаришди. Бироқ, толиблар Ишкемиш шаҳри атрофида жойлашган ўнга яқин қишлоқни эгаллаб туришибди. Афғонистондан келаётган бошқа хабарларга кўра толибларнинг ўн бешта самолёти генерал Масъуднинг Ишкемиш шаҳри атрофидаги қароргоҳларига бомба зарбалари берган. Лекин, бунга ишониш қийин. Чунки, толиблар ихтиёрида бундай катта миқдордаги самолётлар йўқ.

КИМ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАРКИН?

Филиппинда ўтказилаётган Президент сайловларида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра мамлакат вице-президенти, собиқ актёр Хулио Эстрада пешқадамлик қилмоқда. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра Эстрада ўз рақибларини мағлубиятларини тан олишга чақирди. Ҳозирча Эстрадага 45 фоиз овоз берилган. Маниланинг собиқ мэри эса 23 фоиз овоз олган. Шу боис ҳам Эстрада ўз ғалабасига шубҳа қилмаяпти. Умуммилий суровларга кўра Эстрадани барча камбағаллар қўллаб-қувватлаётганлиги маълум бўлди. Хулио Эстрада улар учун худди оила аъзосидек.

ЕВРО ЗАРБ ЭТИЛМОҚДА

Айни пайтда Францияда Европанинг янги пул бирлиги – евро ишлаб чиқариш бошланди. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб Европа иттифоқи аъзоси бўлмиш давлатларнинг 300 миллиондан ортиқ аҳолиси нақд пулсиз операцияларни бажаришда евродан фойдаланишлари мумкин. 2002 йилдан бошлаб эса, уни нақд ҳолда ҳам ишлатавериш мумкин бўлади. Евро маконига айни пайтда 15 мамлакатдан 11 таси кирди. Ягона валюта бозорида иштирок этишдан Буюк Британия, Дания ва Швеция ўзларини четга олиб туришибди. Шуниси диққатга сазоворки, янги валюта ўзининг миллий колоритини сақлаб қолган. Масалан, французлар чиқарган танганинг орқасига Франциянинг миллий шиори туширилган: «Озодлик, тенглик ва биродарлик!».

ТАРИХ – МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ

Таълим ва ислоҳот

Матбуотда эълон қилинган тарих фанлари докторлари Қ. Усмонов ва Р. Муртазаеваларнинг «Ватан тарихи қандай ўқитилади?» мақоласи анчадан буён бу масаладаги тортишувларга қисман жавоб бергандек бўлди. Чунки кўплар, айниқса, бошқа фанлар мутахассислари «бу фан умумий ўрта таълим тизимида катта миқдордаги соатлар ҳажмида ўқитилади-ку, яна олий ўқув юрти талабаларига қайтариб тарихни ўргатиш шартми?» деган фикрдан ҳеч йироқлаша олмаяптилар.

Улар ёшларимиз ватанимиз тарихини қанчалик чуқур ўргансалар, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, келажагимизни белгилаб, унга эришишимиз шунчалик тезлашишини ўз фанларини ҳимояси (кўпроқ ўзларини) нуқтаи назаридан атайлаб сезмасликка олсалар керак.

Биз уларга Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги қуйидаги жумлаларни ўқиб, хулоса қилсалар фойдадан холи бўлмас эди, деб маслаҳат берар эдик.

«Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айлантирмоқда...

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши — буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим».

Бизнингча, бу лўнда ва таҳлил қилишнинг ҳожати бўлмаган фикрларни яна қайта тушунтириб ўтириш лозим бўлмаса керак.

Ўз тарихини билиш ҳеч замонда, ҳеч қачон ва ҳеч кимга зиён қилмаган. Ўз ватани ва халқи тарихини билиш фақат кони фойдадир. Ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам ўзларининг Ватани тарихи таълим тизимининг барча бўғинларида қайта-қайта ўқитилмоқда.

Энди, тарихни «мактабда чуқур ўргатилаётган экан, олий мактабда яна уни ўқитиш шартми?» деган фикрларга тўхтайлик. Шу кунгача мактабда ватанимиз тарихини чуқур эгаллаб келган ёшларни (айрим тарихга қизиқиб, уни яхши ўрганиб, тарихчи бўлиш ниятида олий ўқув юртларига кирмоқчи бўлган ёшлар бундан мустасно) кам учратмоқдамиз.

Тарих ва филология йўналишидан бошқа хоҳлаган мутахассисликка ўқишга кирган баъзи талабалардан сўрасангиз тарихимизнинг оддий саволларига ҳам жавоб қайтара олмайдилар. Бунинг устига айрим мактабларда ўқитувчилар етишмаётганлигидан, ҳатто тарих фанидан бошқа фан ўқитувчилари дарс бераётганлигидан қандай кўз юма оламиз. Беш йил давомида «Ўзбекистон тарихи»ни 90 соат ҳажмида ўрганиб, яна унга қўшимча умумий маърузалар эшитиб давлат имтиҳонига кирган битирувчи талабаларнинг айримларини «қониқарсиз», аксарият қисмини «қониқарли» баҳолар олаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Бундай шароитда «талаба мактабда тарихни чуқур ўзлаштириб келди, энди унга тарихни яна тушунтириб ўтириш шарт эмас» дейиш ўз келажагимизни, ўзлигини англаш, миллий ғурур ҳисларидан, уларни ватанпарвар қилиб етиштиришдан маҳрум этиш эмасмикан.

Шу жиҳатдан Ватан тарихини қайта-қайта ўқитиш ҳали бирон бир давлатга зарар келтирмаган.

Энди Ватан тарихини олий ўқув юртларида қандай ўқитиш масаласига келсак, юқорида номлари зикр этилган олимларимизнинг айрим фикрларига қўшилмоғимиз лозимдир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, олимларимизнинг куч-ғайратлари билан ҳақиқатда тарихимизнинг кўпдан-кўп муҳим саҳифалари очилди. Темурийлар даври, XIX аср охири, XX аср боши тарихи янги кашф этилди ва ўтмишимизни «оқлаш» вазифалари бажариб бўлинди.

Биз айнан мана шу янгитдан кашф этилган, холисона, одилона таҳлил қилинган тарихимизни талабаларга ўқитишимиз лозимдир.

Юқоридаги олимларимиз таъкидлаганларидек, бу тарихимизни мактабдагидек мавзулар бўйича эмас, уларни муаммоли тарзда ўқитмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Биз Қ. Усмонов ва Р. Муртазаеваларнинг Ўзбекистон тарихини ўқитишда эътибор бериш зарур бўлган назарий, концептуал-методологик муаммолари ҳақидаги айрим қарашларига қўшилган ҳолда, ёшларимизнинг барчаси халқ таълими билан боғлиқлигини инобатга олиб, тарихимизнинг ажралмас таркибий қисмлари бўлган «Ватанимиз халқ таълимининг ривожланиши тарихи», халқимизнинг қадимдан жаҳонни лол қолдирган санъати тарихи муаммоларини ўқитишни ҳам тавсия этар эдик.

Қани энди қадимий қўлёзмаларнинг мазмун ва моҳиятини, уларнинг тарихини, янги топилаётган тарихий манбаларни ҳам талабаларга чуқур тушунтириб бера олсак. «Миллий давлат чегараланиши ва унинг оқибатлари» муаммосини ечиб бермасдан шўро даври тарихини тўлиқ ёритиб бўлмаслигини ҳам инобатга олмоқ лозим.

Профессорлар Қ. Усмонов, Р. Муртазаеваларнинг тавсия қилаётган муаммолари орасида мустақиллик даври муаммосини ўқитиш таклиф қилинмоқда. Бироқ, айрим бошқа ижтимоий — гуманитар фанлар мутахассислари , бу муаммолар ҳуқуқ, иқтисодий назария, фалсафа, маънавият асослари, Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курсларида ҳам ўқитилади-ку, деган фикрларни ҳам билдирмоқдалар. Ҳар бир нарсанинг, ҳар бир жараённинг ўз тарихи бор. Истиқлолга эришганимиздан буён мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий , маънавий соҳада нималар қилаётган бўлсак, нималарга эришган бўлсак, улар ўз тарихи билан мустаҳкамдир. Берилаётган тавсияларда эса бу жараёнларнинг тарихий йўсинда, тарихий таҳлил асосида ўқитиш назарда тутилмоқда.

Албатта, Ватанимиз тарихини янгича талаблар асосида ўқитиш профессор - ўқитувчиларимиздан чуқур билим, катта маҳоратни талаб қилади.

Бундан ташқари тавсия этилаётган муаммоларни талабаларга сингдиришга қуйидагиларни илмий таҳлил қилиш, уларга алоҳида эътиборни қаратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

1. Жаҳон тарихида қадимий суғорма деҳқончиликнинг олтита мустақил ҳудуди мавжуд (суғорма деҳқончиликнинг айнан шу ҳудудлари ҳаётнинг маданиятли шакллари илдам ривожланиши учун манба бўлган), бунда милоддан аввалги VII—VI минг йилликлар. Эрон — Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон асосий ўрин эгаллайди (милоддан аввалги VI—V минг йилликлар). Юқорида кўриниб турибдики, суғорма деҳқончилик тараққиётининг Эрон — Марказий Осиё, Ўзбекистон ҳудуди қадимийлиги жиҳатидан фақат Олд Осиё ва Шарқий — Ўрта денгиз ҳудудидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

2. Узоқ қадимдаёқ Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудуди жаҳон савдосининг ривожланишида улкан аҳамият касб этган. У ўзининг ноёб ва олий даражада қулай жўғрофий ўрнига кўра, Марказий Осиё билан Ғарбни боғловчи муҳим савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Буюк Ипак йўлининг талайгина қисми айнан Ўзбекистон ҳудудига тўғри келган эди. Бу улкан савдо йўли умуман инсоният цивилизациясининг тараққиётида ғоят катта аҳамият касб этади. Шу туфайли қадимдаёқ турли халқлар ўртасида технология ва маънавий ютуқлар илдам ва самарали айирбошланган.

3. Инсоният маънавий тараққиётида ҳам юртимизнинг аҳамияти буюк бўлган. Бу борада Марказий Осиё, Ўзбекистоннинг бетакрорлиги шу билан изоҳланадики, бу ўлка ўз даврида барча жаҳон динлари: зардуштийлик, буддизм, исавийлик ва ислом тарқалган ҳудуддир.

4. Ўрта асрларда Ўзбекистон халқларининг жаҳон фани, маданияти, меъморчилиги ва тасвирий санъатга қўшган ҳиссасини тегишлича баҳолашимиз даркор. Ана шунда бебаҳо ҳиссанинг барча хилма-хил кўринишларидан қуйидаги иккита муҳим даврни, мусулмон даври маданиятининг икки муҳташам чўққисини кўрсатиб ўтиш жоиздир:

1) Инсониятга ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Ҳўжандий, ал-Форобий, Ибн Сино, Низомулмулк, Наршахий, ал-Беруний, Байҳақий, Хайём, Аҳмад Фарғоний сингари буюк аҳли донишларни туҳфа этган IX—XII асрлар даври; 2) Шерозий, Камол Ҳўжандий, Навоий, Улуғбек, Беҳзод, Мирхонд, Хондамир, Бобур сингари ижодий муваффақиятлари Оврупо Уйғониш даврининг муваффақиятлари билан бемалол беллаша оладиган улуғ кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ XIV—XV асрлардаги Темурийлар даври.

Албатта, XIV—XV асрлар даврининг тарихий адабиётларда кўпинча Темурийлар Уйғониш даври деб аталиши тасодифий эмас, бунда, шубҳасиз, ўша давр Ўрта Шарқидаги турли соҳалар: илм — фандаги, адабиётдаги, бадиий ижоддаги жиҳати Оврупо Уйғониш давридагига ўхшашлиги назарда тутилган. Самарқанд ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги муҳташам меъморчилик обидалари бу фикрни яна бир бор исботлайди.

Тарихчи олимларимиз олдида ҳал этилишини кутиб ётган жуда кўплаб йирик илмий муаммолар турибди. Уларни илмий асослаш ва ҳал этиш учун, албатта, илмий билимнинг бошқа тармоқлари вакиллари: файласуфлар, социологлар, иқтисодчилар, элшунослар, антропологлар, тилшунослар, санъатшунослар, ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, диншунослар ва ҳоказолар билан ҳамжиҳат тадқиқот олиб боришлари керак.

Марказий Осиёнинг қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихини янгича даврийлаштиришни амалга ошириш ҳам бугунги кунда тарихчилар олдида турган энг долзарб вазифадир.

Ўзбекистон халқлари этногенези, асрий ва турк муаммолари ўзининг ҳар томонлама тадқиқ этилишини кутмоқда. Ҳанузгача қадимий Марказий Осиёнинг ижтимоий тузуми масаласи кенг муноза-ра қилинмоқда ва хилма-хил фикрлар билдирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимиз тарихини олий ўқув юртларида қисқа, такрорий маърузалар орқали тушунтириб, асосий соатлар миқдорини муаммоли маърузаларга ажратилса, асосий эътиборни Ўзбекистонимизнинг янги тарихига қаратсак, давримиз талабларига жавоб бера олар эдик.

Б. АЛИЕВ,
ТДИУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири, профессор,
Қ. ЭРГАШЕВ,
Ҳ. ҲАМИДОВ,
тарих фанлари докторлари.

1 2 3 4

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЮҚОРИДАН БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚМИ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 19 февраль сонидаги «Юқоридан берилган топшириқми?» сарлавҳали мақолада тумандаги «Қирққизобод» хўжалигида электр энергияси билан таъминлашда узилишлар бўлаётганлиги танқид қилинган эди.

Биз юқоридаги фактни ўрганганимизда, табиий газ ва нефть маҳсулотларининг етишмаётганлиги, эҳтиёт қисмларнинг танқислиги ҳамда истеъмолчиларнинг фойдаланаётган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлай олмаётганлари сабабли электр энергияси ишлаб чиқаришда ҳамда таъминлашда бир қанча қийинчиликлар вужудга келганлиги аниқланди. Шу сабабли республикамизнинг барча жойларида, жумладан бизнинг туманимизда ҳам электр энергияси билан таъминлашни вақтинча, белгиланган жадвал асосида тежашга тўғри келди.

Ҳозирги вақтда туманимизнинг барча хўжалик, корхона ва ташкилотлари электр энергияси билан мунтазам таъминланмоқда.

Элликқалъа туман ҳокимининг муовини И. САЪДУЛЛАЕВ

«ҚАЧОНГАЧА САБР ТАГИ РАҲМОН?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 14 февраль сонида чоп этилган «Қачонгача сабр таги раҳмон?» сарлавҳали мақоласи мутахассислар томонидан жойида бориб, ўрганиб чиқилди.

Кўкжар қишлоғи ва унинг атрофидаги қатор қишлоқлар туманнинг тоғли ҳудудида жойлашган бўлиб, уларга махсус телевизион қурилмалар қуриш учун кўплаб маблағ сарф қилиниши кераклиги, бунинг учун ҳозир маблағ етишмаслиги, иқтисодий тангликдан чиққандан сўнг бу ишларга киришиш мумкинлиги аҳолига тушунтирилди.

Ҳозирги кунда туманимизда телестудия ташкил этилганлиги муносабати билан шу қишлоққа туман телестудияси кўрсатувларини кўрсатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Яккабоғ туман ҳокими Р. НОРМУРОДОВ

ХДП хабари

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилояти, шунингдек, уларнинг таркибидаги қатор маҳаллий партия кенгашлари масъул ходимлари ҳамда партия марказий матбуот нашрлари ходимлари республика Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, тарих фанлари номзоди Убайдулла Уватовнинг «Имом ал-Бухорийнинг мероси ва унинг миллий маънавиятимизни юксалтириш, диний экстремизмга қарши курашдаги аҳамияти» мавзуидаги маърузасини тингладилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Нукусдаги авиатехника базасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва Тошкентдаги авиаремонт заводи ёрдамида «АН-2» самолётларини таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди. Яқин келажакда Қорақалпоғистондаги шу турдаги бир неча самолётнинг иккинчи умри бошланади. Айни пайтда ушбу самолётлар махсус таъмирдан чиқарилмоқда. Дастлабки 3 та учар машина муваффақиятли таъмирлаб бўлинди. Маълумки, ушбу самолётлар Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой, Тахтакўпир, Қораўзак ва Қонликўл туманларининг хўжаликларида шоли экишда, каллазорларни ўғитлашда жуда қўл келмоқда. Мутахассислар самолётлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий фойдасини аллақачон исботлаб қўйишган. Умуман олганда Нукус авиатехника базаси самолётларни таъмирлаш борасида катта тажрибага эга.

СУРАТДА: таъмирлаш учун келтириб қўйилган «АН-2» самолётлари.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.



Зомин туманидаги Зомин шаҳарчасида жойлашган Хайрулла Боқиев номли биринчи гимназия нафақат Жиззах вилоятида, балки бутун республикамизда танилган билим масканларидан ҳисобланади. Мингдан ошиқ ўқувчи қатор фанларни чуқур ўрганмоқда. Бу ерда ёшлар математика, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, иқтисод, ҳуқуқ, инглиз тили, биология ва тасвирий санъатдан мукаммал таълим оладилар. Гимназияда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ишлари намунали йўлга қўйилган. Ўқув хоналари зарур кўргазмали қуроллар, замонавий техника билан жиҳозланган. Компьютер хоналари мавжуд. Тажрибали ўқитувчилар ёшларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш учун таълим беришнинг янги-янги услубларидан фойдаланишаётир. Шу боис ҳам ушбу гимназия республика мактаблари кўрик танловларида доимо юқори ўринларни олиб келади.

СУРАТДА: олтинчи синфда ўқийдиган Рустам Ўринов компьютерда иш бажармоқда.

Бахтиёр ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ОЛТИН ВАСВАСАСИ

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Баҳодир Иброҳимов Жалил Холовни Китоб темир йўл шоҳбекатида жойлашган савдо дўкони олдида учратди. Гаплдан гап чиқиб:

-- Итнинг орқа оёғи бўлиб судралиб яшаш жонга тегди, -- деб қолди Баҳодир. -- Топганим томоққа ямоқ бўлмайди. Ҳалиги бор-ку, Ипак йўли кўчасида яшовчи Санобар кампир. Биласанми, унинг хум тўла тилла тангаси бормиш...

Шу-шу Жалилнинг ороми бузилган эди.

Орадан икки кун ўтгандан кейин у Баҳодирникига бориб ундан заҳарли газ балончасини сўради. Бир амаллаб 4500 сўмга сотиб олди ҳам. Қолганини тилло ҳисобидан қоплаймиз, деди у режасини айтиб бергач, Баҳодир ноилож рози бўлар экан, тиллонинг бир қисмини унга беришларини айтди ва уй эгаларини гумдон қилиш лозимлигини ҳам тайинлади...

1997 йилнинг 21 февраль куни чошгоҳ. Жалил акаси билан Санобар кампирнинг дарвозасидан ичкарига мўраладию хурсанд бўлиб кетди. Кампирнинг қариндоши Бика момо шу ерда экан. Баҳонага қулай фурсат!

Улар ичкарига бемалол қадам қўйишди. Кампир Бика момо билан суҳбатлашиб ўтирарди. (Бика момо кампирнинг қудаси. Ўғлига унинг қизи тушган. Аҳён-аҳён кўзлари кўрмай қолган кампирнинг ҳолидан хабар олиб туради). Бика момо акаукани кўриб, чойга таклиф қилди. Санобар кампир эса меҳмонлар келганини билиб шошиб қолди. Дастурхонга икки коса шўрва сузиб келинди. Шу орада пайдо бўлган кампирнинг ўғли Абдураим меҳмонларни ичкари хонага олиб кирди. Ош сузилди. Икки шиша ароқни ҳам майдалашди. Абдураимнинг қайфи оша бошлаганда Жалил акасига кўз уриштириб, сигарет чекишни баҳона қилди:

-- Ташқарига чиқиб оёқ чигилини ёзсак-чи?

-- Роса бўғриқиб кетдим, -- дея ўрнидан турди Абдухалил ҳам.

... Уйга қайтиб киришлари билан Жалил Абдураимнинг юзига балончадан газ пуркади. Абдухалил унинг қорнига зарб билан мушт туширди. Абдураим икки букилиб ерга ўтириб қолди. Инграшга ҳам улгурмади. Жалил чўнтагидаги ипларидан бирини акасига тутди. Иккаласи уни чандиб ташлади. Жалил ташқаридан таёқ олиб келиб Абдураимнинг бўйин, бош қисмига қайта-қайта туширди. Уни тинчитгач, Санобар момо яшайдиган хонада ўтирган Бика момога ҳам заҳар пуркади. У ҳушсиз йиқилди. Ака-ука қўл-оёғини ип билан чандиб, оғзига рўмол боғлашди. Сўнг уриб, бўғиб ўлдиришди. Бошқалар билиб қолмаслиги учун юзини ерга қаратиб ётқизиб, устига кўрпача ташлаб ҳам қўйишди.

Бу пайтда Санобар момо шом намозини ўқишга тутинганди. Кўзи ожиз момо ҳам юзига урилган заҳарли суюқликдан ҳушсизланди. Жоҳиллик отига минган ака-укалар уни тепиб, уриб, оёқ-қўлини ип билан чандиб ташладилар. Тилланинг қаерга яширилганини сўрамоқчи бўлишганда эса момо жон таслим қилиб бўлган эди. Жалил шу пайт ташқаридаги тарақ-туруқдан сергакланиб айвонга отилди. Момонинг набираси Собирни кўриб, аввалига довдиради. Сўнг ўзини тутиб олгач, момосининг оғир бетоблигини айтиб болани ичкарига етаклади. Уйга кириши билан унга ҳам газ балончасини ишлатди. Ҳушсизлангач уриб, оёқ-қўлини ип билан боғлаб, оғзига рўмол тиқиб қўйишди.

Шундан сўнг ака-ука хоналарни бир-бир титиб чиқишди. Аммо, улар орзу қилган олтин тангаларидан дарак йўқ эди. Жазавага тушган қотиллар ўзларининг шармандали босқинчилик ва разиллигини ўт ичида қолдиришдан бошқа чора тополмадилар. Ўзлари билан олиб келган бензинни сепиб уйга олов беришди. Қоп-қора тутун хоналар бўйлаб югурди. Ўзлари эса жуфтакни ростлаб қолдилар.

Собир оғир оғриқдан кўз очди. Нимадир қўлларини куйдирди. Ўз-ўзидан қўллари ипдан бўшалди. У бор кучини тўплаб ўрнидан туриб, дераза қанотини базўр очганча ташқарига отилди. Тўғри савдо дўконида ишлаётган тоғаси ҳузурига бориб бор гапни айтди. Дўкон атрофида қий-чув бошланди. Ким челақда сув кўтарган, ким милицияга хабар берган, ким эса Собиржонни шифохонага элтган.

Собир Шарипов Шаҳрисабз шаҳар марказий касалхонаси жонлантириш бўлимига ётқизилди. Аммо, унинг аъзойи бадани куйиб, аҳволи оғирлашганди. Дастлабки суриштириш пайтида жиноятчиларнинг кимлигини айта олди, холос.

Тезкор тадбирлар туфайли уюшган жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Жалил Холов жавобгарликдан чўчиб ўзини осди ва шифохонада жон берди.

Суд ҳукми билан Абдухалил Шайдуллаевга ўлим жазоси берилди. Баҳодир Иброҳимов узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

... Олтин васвасасига йўлиққанлар ўзларининг қабиҳлиги ва разиллиги билан нимага эришди? Бир йўла икки қария, бир ёш йигит ва ҳали оғзидан она сути кетмаган гўдакнинг жонига зомин бўлдилар. Ўз ҳаётларини эса қора гирдоб қўйнига улоқтиришди.

-- Воқеа даҳшат. Унинг хулосалари эса ундан ҳам даҳшатлироқ бўлиши аниқ. Лекин, бу бошқаларнинг, ён-атрофдагиларнинг кўзини очармикин? -- дейди вилоят прократураси бўлим бошлиги Шариф Қўзиев.

Ҳа, гап фақат шунда қолди -- бу фожеанинг бошқа такрорланмаслигида, такрорланмаслиги учун йўл қўймаслигимизда. Ушбуни ёзишдан мақсадимиз ҳам шу.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция капитани.

ҲИЖОБ

Биринчи мақола

ОНАСИГА ТАЪНА ҚИЛГАН ҚИЗ

Замон дегани қизиқ нарса экан. Бир ерда бўлган воқеа бирданига кўп жойда такрорлана бошлайди. Эҳтимол, мана бундай вазиятга сиз ҳам дучор келгандирсиз?

...Мактабда ҳамма қатори кийиниб, турли йиғин ва тантаналарда шеърлар ўқиб юрган қиз пойтахтдаги институтларнинг бирига ўқишга кирди-ю, ўзгарди-қолди. Икки-уч ой ўқимай, келиб даставвал онасига ташланди: «Нега ёпинмайсиз? Оллоҳнинг буйруғидан бош тортманг, ҳижобга киринг!».

«Ҳижобинг нимаси, болам? Ўлимимдан хабарим бор, ҳижобдан хабарим йўқ!» — дейди жовдираб бечора она.

Кейин отасига хархаша қила бошлайди: «Менга ҳижоб, унга мос кўйлак-лозим олиш учун фалон пул берасиз!».

Ота ҳам ҳайрон: «Ҳижоб дегани қанақа кийим бўлди экан?».

Ўзингдан чиққан балога қайга борасан давога! Келиб-кетиб қиз онасига таъна қиладими? 50-йилларда бир йигит армия хизматидан қайтиб, отасига: «Чопон — қолоқлик, дўппи кийманг — эскилик, ошни қўл билан еманг — маданиятсизлик...» — деб дашном берган экан. Энди бунақаси ҳам чиқибди-да!

Борингки, қиз ҳижобга кирмоқчи ҳам бўлди, дейлик. Лекин унинг онасига таъна қилишга маънан ҳаққи борми? Қонун жиҳатидан ҳам унга бундай ҳуқуқ берилган эмас. Чунки бизда «диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 31-модда).

Хўш, диний томондан-чи?

Ҳадисга қулоқ тутамиз:

«Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида онам мени соғиниб келган эрдилар, мен жаноб Расулуллоҳга: «Онамга мурувват кўрсатайми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, албатта!» — дедилар».

Гап шундаки, Асмонинг онаси мушрика, яъни мусулмончиликни қабул қилмаган эди. Демак, пайғамбар мусулмон бўлмаган онага ҳам мурувват қилишни буюрганлар, лекин унга: «Сен исломга кирмабсан», — деб таъна қил, демабдилар-ку.

Шундай экан, ҳалиги қизимиз нега оқ сут бериб ўстирган онасига ҳижобга кирмагани учун дашном беради?

ҚАЙТА ТИРИЛГАН СЎЗ

«Ҳижоб» сўзи эски тилимизда бор эди. У кейинчалик унда-мунда — кўпроқ тарихий мавзуларда битилган асарларимиздагина ишлатиб келинди. Шунинг учун 1981 йили чоп этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га ҳам киритилган. Бироқ «ҳижоб» илгариги тилимизда бир қадар умумий маънодаги «парда», «ниқоб» маъносини берган бўлса, ҳозир у ҳаётимизга кейинги йилларда кириб келган муайян бир нарсани билдирадиган бўлиб қолди.

«Ҳижоб» бугун хотин-қизларнинг бошию юзини фақат кўзи кўринадиган қилиб тўсадиган махсус матоҳни англатади. Энг ёмони, ҳижобга кирган, ҳижобни тарғиб этаётган, асл исломнинг ўзидан бехабар кимсалар буни мусулмончиликнинг асосий белгиси — шарти деб ҳисоблаяптилар.

ШАКЛМИ Ё МОҲИЯТ?

Энди бир табиий савол туғилади. Ахир, юртимизга исломнинг кириб келганига 13 аср бўлди. Ватанимиз — ислом ҳадди аълосида тараққий этган маконлардан бири. Шундай бўла туриб, наҳот, шу вақтга қадар ҳижоб исломнинг шарти ҳисобланмай келди экан?

Исломнинг биринчи шарти имон бўлса, ахир, у қалб, кўнгил билан, яъни моҳият билан боғлиқ масала-ку. Ёки имон билан бирга намоз, рўза, закот ва ҳаж каби фарзлар эмасми мусулмончилик тамаллари?! Умуман, эътиқодда шаклми бирламчи ёхуд моҳият?

ОЛЛОҲ НИМАНИ ҲУКМ ҚИЛАДИ?

«Қуръон»нинг уч ўрнида аёлларнинг ёпиниши билан боғлиқ буйруқлар берилган.

Нур сурасининг 31-оятида ўқиймиз:

«Мўминаларга ҳам айтинг кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақлансинлар! Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар! Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ўзларининг оғаиниларига ё оға-иниларининг ўғилларига ё опасингилларининг ўғилларига ё ўзлари (каби) аёлларга ё қўл остиларидаги чўриларга ё (аёллардан) беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз — девона) эркак хизматкор-кулларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина (кўрсатишлари жоиздир). Яна яширган зеб-зийнатлар билинсин учун оёқларини (ерга) урмасинлар. Барчаларингиз Оллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар».

«Қуръон»ни тафсирсиз тушуниш мумкин эмас.

Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий, яъни Олтинхонтўра кўп ҳадислар ва талай исломий китоблар асосида бу оятга тафсир битар экан, жумладан: «Чеҳра ва икки кафт очиқ бўлиши жоиздир. Чунки аксар диний ва дунёвий зарурият буларни очиқ қўймоққа мажбур этар», — деб ёзади.

Оятдаги «кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар» сўзлари ҳам бугун алоҳида шарҳга муҳтож. Олтинхонтўра бу ҳукмни арабларнинг жоҳилият, яъни исломгача бўлган давридаги одати билан боғлаб ҳамда ҳанафий мазҳабимиз нуқтаи назаридан туриб тафсир қиладилар. Муҳаммад пайғамбарга «Қуръон» оятлари нозил бўла бошлагунга қадар араб аёллари кўкракларини бутунлай очиб, ярим ялангоч юраверар эдилар. Олтинхонтўра шундай ёзадилар: «Хотинлар баданларида бўлган қудратий (Худо томонидан ато этилган) зебойиш(ҳусн)ларининг ҳаммасидан кўзга яқинроғи сийналаридаги экки эмчакларидир. «Қуръон»и карим унинг зиёда (тўлиқ) бекилишига таъкид қилур. Жоҳилият замонасида (яъни исломгача бўлган даврда) хотинлар бош рўмолларини бошларига солиб, икки тарафини орқаларига ташлаб қўяр эрдилар. Бутун сийналари бир ҳусни ила очиқ турар эди. «Қуръон»и карим иршод қилурки, ўша бошга солинган рўмолни бошидан бошлаб бўйин, қулоқ ва сийнагача олиб келиб, ҳаммасини баробар бекитилсин».

Дин ва ҳаёт

Демак, бу оят хотин-қизларнинг юзлари эмас, бошлари ва кўкракларини ёпишни талаб қилаяпти.

Булардан англашилдики, Оллоҳнинг буйруғини бажармоқчи бўлган мўмина учун бошдаги рўмолини бўйнини бекитадиган қилиб боғлаб, қўлларини билагигача, оёқларини тўпиғигача ёпадиган кийим кийса, бўлди.

Нур сурасининг 60-оятида ҳам ёпиниш ҳақида ҳукм нозил этилган:

«Хотинлардан (ўтириб) кексайиб қолган, эрга тегишни ўйламайдиганларни бирон зеб-зийнат билан ясанмаган ҳолларида кийимларини (яъни рўмол, ёпинчиқларини) олиб қўйишларида уларда гуноҳ йўқдир. Ўзларини пок (яъни рўмол, ёпинчиқда) тутишлари ўзлари учун яхшироқдир. Оллоҳ эшитувчи, билгувчидир».

Олтинхонтўра оятни шундай тафсир қиладилар: «Яъни қари хотинлар уй ичида оз бир либос ила юрсалар бок йўқдир. Лекин комил парда ила юрсалар, яхшироқдур ва ташқарига чиққанда ҳам зиёда либосларини (яъни рўмолларини) олиб қўйсалар, музойиқа (таъқиқ) йўқдир. Башартики зебойишлари зоҳир бўлмаса (яъни сийналари кўринмаса)».

Аҳзоб сурасининг 59-оятида яна аёлларнинг ёпиниши масаласига дуч келамиз:

«Эй пайғамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар! Мана шу уларнинг (чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин (воситадир). Оллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир».

Олтинхонтўра тафсирларидан англашиладики, ушбу оят мусулмон аёлларнинг ана шу юзни ёпиб юришларига рухсат янглиғ қабул қилинган. Лекин оят бундай ёпинишни қатъий талаб қилаётгани, яъни юзни очиб юришни ман этаётгани йўқ. Бинобарин, Олтинхонтўранинг мана бу қайдлари масаланинг моҳиятига етишимиз учун жуда зарур; «Бундан маълум бўлурки, **фитна замонида.** (С. О.!!! Таъкид бизники) озод хотинларга чеҳраларин ёпмоқ зарурийдир. Алар пардалари ила чўрилардан мумтоз (яъни ажралиб) кўринурлар. Бадмаошларнинг озорларидин саломат қолурлар».

Олим фитна кўзғалган вақтлардагина юзни ёпиб юришга зарурат борлигини махсус таъкидлаяпти.

Аёлларнинг жами гўзалликлари, зебу зийнату пардоз-андозларининг бари — эрлари учун. Имон-эътиқоди бор киши жуфти ҳалолидан ўзга аёл ё қизга ёмон ният билан боқиши ҳам — зино. Оллоҳ бандаларига кўз зиносидан ҳам сақланишни буюради.

Номаҳрамнинг кўз зиноси ҳам — аёл бошидаги фитна. Бироқ олим «фитна замони» деган. Бу ерда аёл бошидаги фитна эмас, кўп муслималарга фитна хавфини солиши мумкин бўлган бир ижтимоий ҳолат, муайян бир давр кўзда тутиляпти.

ҲОЗИР ФИТНА ЗАМОНИ ЭМАС!

Иш юзасидан бир кишини сўроқлаб, уйига бордим. Биринчи марта келишим эди. Қўнғироқ тугмачасини босдим. Ҳеч ким чиқмади. Лекин ичкаридаги эшитилиб турган ғала-ғовурдан маълум эдики, уйда одам бор. Тура-тура, қайтиб кетаётган эдим, кўчадан ўша одамнинг ўзи келиб қолди. Тугмачани босди, овоз чиқарди. Уч-тўрт ёшлардаги қизчаси эшикни очди. Оча солиб, юзини мендан бурганча, деворга суяна-суяна ўзини тезроқ ичкарига олишга уринди. Ундаги ҳаё, ийманиш самимий, бироқ меъёридан ортиқ эди. Умримда бундай ҳолатга дуч келмаганман. Наҳот, уч-тўрт яшар қизча отаси тенги одамдан шунчалар қочса?! Бунақада эрта-индин у мактабга қандай боради.

Қарангки, аёли ҳам уйда экан. Эшикни очмаса ҳам, хўжайини уйда йўқлигини билдириб қўйиши мумкин эди-ку! Ахир, ислом аёлнинг, лоақал, эшик орқасидан гапиришини чекламайди-ку! Кейин билсам, уй бекаси ҳижобга кирган экан. Бечора, ҳатто, нон магазинига ҳам ўзи чиқмас, ойлаб офтобни кўрмас экан. Онда-сонда ўғилчаси уни одамлар камроқ кўчалар бўйлаб айлантириб келар экан.

Албатта, ҳар кимнинг ихтиёри. Лекин ўйлаб қоласан: қайси замонда яшаяпмиз ўзи? Худо бизни нима учун яратган? Исломни бунчалар ўзгартириб, ўзларича қонун-қоида чиқаришга ким рухсат берган уларга?

Ҳаё-ку — кўп яхши нарса. Лекин бу ҳаёми?

Яна ҳадисга мурожаат қиламиз: **«Қуръон»ни ўқиб, унга амал қилинглар,** — деб таълим берадилар Муҳаммад алайҳиссалом. — **Ундан узоқлашиб кетманглар, унинг маъносига чуқур маъно бераман, деб хато ва муболағага берилиб кетманглар. Уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, молу дунё орттиришга ҳам ўтманглар».**

«Қуръон»нинг бир оятидаги маънодан келиб чиқиб, уни янада чуқурлаштириб юбориб, юзни кўзгача ёпиб юришга даъват ҳам «Қуръон» маъноларини тушуниш ва тушунтиришда беҳуда чуқур кетиш эмасми?!

Яна бир ҳадисда ўқиймиз: **«Сочи оқарган мўйсафидни, «Қуръон»ни ёд олиб, унинг маъноларига беҳуда чуқур кетмаган (!!!) ва уни тарк ҳам қилмаган қориларни ва одил подшоҳни ҳурматлаш — Тангрини улуғлаш билан баробардир».**

Исломда йўқ нарсани қоида-қонун янглиғ амалга киритиб, бошқаларни ҳам шунга даъват қилиш, бу гапга кўнмаганларни кофир деб эълон қилишгача бориш — бидъат ва хурофотнинг ўзгинаси! Ахир, яна ўша ҳадисларда: **«Бидъат — хурофотга берилган одам, то уларни тарк этмагунча, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди»,** (дейилади-ку).

Шу мулоҳазалар ёзиляпти-ю, лекин сезиб турибманки, кўнглингиздан: «Унда бизда паранжи қаердан пайдо бўлди?» — деган савол ўтяпти.

Султонмурод ОЛИМ

(Давоми келгуси сонда)

ВАШИНГТОНДА ЎЗБЕК АТЛАСИ КЎРГАЗМАСИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон ва жаҳон

Кейинги йилларда жаҳон ҳамжамиятида халқимизнинг ўтмиши, маданияти, хусусан унинг қадимий санъатига бўлган қизиқиш, чуқурроқ билиш ва ўрганишга интилиш тобора ортиб бормоқда. Бу борада 1996 йилда Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига ҳамда 1997 йилда Марказий Осиёда қад кўтарган энг қадимги маданият марказлари Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан Париж шаҳрида ЮНЕСКО штаб квартирасида намойиш этилган кўргазмалар айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Жорий йилнинг 24 апрелида Америка Қўшма Штатларининг пойтахти Вашингтондаги «Артур М.Саклер» галереясида «Марказий Осиёнинг нафис ипаклари -- Икат» кўргазмаси очилди. Халқимизнинг қадимий ва нафис амалий санъатининг: ипакдан турли-туман щойи матолар: атлас, адрас, кимҳоб, беқасам ва қарға шойи тўқиш ҳамда улардан эркагу аёллар учун турли бичимдаги кийим-кечаклар, уй ҳашамлари: дарпарда, дорпеч, зардевор, палак ва сўзаналар тикиш халқ ҳунармандчилигининг ўзига хос серқирра соҳаларидан биридир.

Вашингтоннинг марказида жойлашган «Артур М.Саклер» галереясидаги кўчма кўргазмага 66 хилдаги ипак матолар ва улардан тикилган кийим-бошлар қўйилган. Улар вашингтонлик доктор Гвидо Голдман томонидан 1975 йилдан бошлаб асосан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан тўпланган 200 дан ортиқ каттагина коллекциянинг бир қисми бўлиб, экспонатларнинг аксарияти XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига мансубдир.

«Марказий Осиёнинг нафис ипаклари -- Икат» кўргазмасининг тақдимоти 22 апрель куни Вашингтондаги Ўзбекистон элчихонаси биносида бўлиб ўтди. Тақдимот АҚШдаги мухтор элчимиз Содиқ Сафоевнинг кириш сўзи билан бошланди. Элчи ўз сўзида доктор Гвидо Голдман томонидан тўпланган Марказий Осиё ипаги нусхалари коллекциясининг аҳамияти устида тўхталиб, жаҳон музейлари фондларида унга тенг кела оладиган Марказий Осиё ипаги мажмуасининг мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтди.

Доктор Голдман ўз нутқида Марказий Осиё нафис ипаклари -- Икат коллекциясини тўплаш тарихи ва унда жамулжам этилган 200дан ортиқ экспонатларнинг қисқача таснифи ва бу ишда унга яқиндан ёрдам берган дўстлари ва мутахассисларнинг меҳнати ҳақида сўзлаб берди. Доктор Голдман коллекцияси бўйича иккита каттагина каталоглар тайёрланиб, Лоуренс Кинг томонидан 1997 йилда Лондонда инглиз тилида нашрдан чиқарилган. Каталогларнинг бири матнлардан ташқари 400 та, иккинчиси эса 70 рангли тасвирлар билан безатилган. Ҳар икки каталогда рангли тасвирлар билан бир қаторда асосан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тўқилган ипак матолар, улардан тикилган кийим-кечаклар ҳамда уйнинг безак жиҳозлари-каштадўзлик намуналарининг таснифлари берилган.

24 апрель пайшанба куни «Артур М.Саклер» галереясида доктор Голдман кўчма кўргазмасининг расмий очилиши бўлди. Гвидо Голдманнинг қисқача кириш сўзидан сўнг, элчимиз Содиқ Сафоев Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро маданий алоқалари янада кенгайишида катта аҳамиятга молик бўлган «Марказий Осиёнинг нафис ипаклари -- Икат» кўргазмасининг очилиши билан тўпланган америкалик санъат ишқибозларини, хусусан унинг ташкилотчиси ва коллекционери доктор Голдманни табриклади ва унга Ўзбекистон ҳукумати номидан миннатдорчилик изҳор этди.

Халқимиз амалий санъати ажойиб намуналарининг Вашингтонда махсус кўргазма қилиниши Ўзбекистон жамоатчилигида зўр қизиқиш уйғотди. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз ушбу кўргазма очилишида иштирок этиш ва ташкилотчиларни кўп йиллик меҳнати, ажиб ташаббуси ва илмий тадқиқотларининг натижалари билан муборакбод этиб, уларни қутлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги номидан Ўзбекистон бадиий академиясининг раиси Турсунали Қўзиев, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Темурийлар даври тарихи Давлат музейининг раҳбари, доктор Нозим Ҳабибуллаев ҳамда каминалардан иборат махсус делегацияни Вашингтонга йўллади. Кўргазма очилишида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов раҳбарлигида Ўзбекистон Олий Мажлисининг 16 нафардан иборат вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Кўргазма очилиши эълон қилинар экан, Содиқ Сафоев ва Турсунали Қўзиевлар ҳукуматимиз номидан кўп йиллар давомида ушбу коллекцияни синчковлик билан тўплагани, унга бағишланган икки илмий каталогларни нашр этгани ҳамда «Марказий Осиё нафис ипаклари -- Икат» мавзуида махсус кўчма кўргазмани ташкил этиб, Марказий Осиё халқлари, аниқроғи Бухоро ва Самарқанднинг бадиий-амалий санъати бўйича дастлабки илмий-музейшунослик тадқиқотларини бошлаб бериб, жаҳон афкор оммаси ўртасида уни тарғиб этишда кўрсатган оқилона хизматлари учун доктор Гвидо Голдманни Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайланганини эълон қилдилар. Унга Бадиий академиянинг фахрий аъзоси дипломи, олтин нишони тақдим этилди.

Кўргазмага тўпланган нафис санъат шайдолари ўзбек халқи томонидан доктор Голдманга билдирилган эътимод ва ҳурматга жавобан баланд овоз билан олқишладилар. Доктор Голдман ўз навбатида ўзбек халқи, Ўзбекистон элчихонаси ва ҳукумати томонидан кўрсатилган ҳурмат ва илмий тақдирланиши учун ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдирди.

Галерея қаватларига кўтарилиб, ҳар бир хонада намойиш этилаётган нодир экспонатлар тўғрисида суҳбатлар олиб борилди. Марказий Осиё ипакчилиги, унинг технологияси ва ҳунармандчилик билан чамбарчас боғлиқ бўлган рангчилик, каштачилик ва кудунгчарлик борасида коллекционер, доктор Голдман «Марказий Осиё нафис ипаклари -- Икат» кўргазмаси даставвал 1997 йилда Бостон шаҳрида санъат музейида, сўнгра Сан-Франциско мемориал музейида намойиш этилиб, «Саклер» галереясидан сўнг келгуси йилларда Чикагодаги санъатшунослик институти, шунингдек Нью-Йорк ситида Яҳудийлар музейида намойиш этишни режалаштирганини айтди.

Мамлакатимиз ҳудудида Термиз шаҳри яқинида Сополли тепада ўтказилган археологик қазишмалардан милоддан аввалги иккинчи минг йилликка мансуб табиий ипак мато парчаси ҳамда ипак қурти боқиб пилла етиштиришда асосий озуқа бўлган тут дарахти ёғочидан ясалган шамшод тароқларнинг топилиши ота-боболаримиз бундан қарийб 4000 йилдан бери ипакчилик билан шуғулланиб келганидан далолат беради. Бунинг устига Нурота, Чотқол-Қурама ва Боботоғ ёнбағирларида табиатшунос олимларимиз томонидан ёввойи пилла қуртлари ва улар тўқиган майда малла пиллалар бир неча бор қайд этилган ва тадқиқ этилган. Ўрта асрларда ҳатто давлатлар ўртасида олиб борилган савдо-сотиқларда ипак мато тўплари, худди олтин ва кумуш тангалар қатори савдо товарларини баҳолашда ва божларни белгилаш ва уларни ундириб олишда номинал сифатида фойдаланилган.

Ҳозиги кунда республикамизнинг Марказий музейлари фондлари ҳамда халқимизнинг ота-боболаридан ёдгорлик сифатида бисотларида асрлар давомида асраб-авайлаб сақлаб келаётган жуда бой ва нодир мерослари мавжуд. Уларни тўплаб, илмий жиҳатдан ўрганиш ва каталоглар тузиш вақти келди. Аввало амалий санъат намуналарини тўплаб, уларни турли кўргазмалар воситасида тарғиб қилиш музейшуносларнинг шарафли иши бўлиб, халқимизнинг серқирра амалий санъати тарихини кўпгина саҳифаларини тўлдиришга имкон беради. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз, хусусан шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов кейинги йилларда халқ ҳунармандчилигига ва унинг амалий ва бадиий санъати ривожига алоҳида аҳамият бермоқда.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзР Фанлар академияси вице-президенти



Голландиянинг Маастрихт шаҳри кўринишлари. В. ПАНОВ олган сурат.

Воқеа арафасида

КАТТА «САККИЗЛИК» НИМАЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА?

Илгари хабар қилганимиздек, 15-17 май кунлари Буюк Британиянинг Бирмингем шаҳрида саноати тараққий этган катта «Саккизлик» давлатлари раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Бирмингем ана шу учрашувга пухта ҳозирлик кўрди. Авваламбор шаҳарга аэропортдан кириб келавершдаги йирик кўчаларга давлат раҳбарларининг улкан портретлари ўрнатилади. Англиядаги ўлканлиги ва аҳолисининг сони жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган индустриал шаҳарнинг оталари уни безатиш учун куч-ғайратларию пулларини аяшмабди. Ҳаммаёқ бўялиб, хиёбонларга гуллар экилган, қадимий канал эса яхшилаб тозаланган. Турли делегацияларнинг вакиллари ва уч мингдан зиёд репортёрлар жойлашадиган йирик бинолар мажмуи ҳам байрамона безатилган.

Аслида ҳозирги «саккизлик» дастлаб «бешлик» бўлганди. Уни 1975 йили АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япония жаҳондаги долзарб иқтисодий муаммоларни муҳокама этиш мақсадида пайдо бўлганди. Орадан икки йил ўтгач унга Италия билан Канада ҳам қўшилди.

Ривожланган саноат демократияси гуруҳи деб аталаётган ушбу ташкилот бошқа халқаро ташкилотлардан кескин фарқ қилиб, ёпиқ хусусий клубни эслатади. Унинг низоми ҳам, штаб-хонаси ҳам йўқ. Аъзолари эса ўзларини қизиқтирган барча нарсалар ҳақидаги фикрларини бемалол ўртага ташлайдилар. Бу гуруҳнинг учрашувларидан ҳеч қандай фойда чиқмайди, деган ҳулоса келиб чиқмаслиги керак. Масалан, гуруҳ томонидан халқаро савдо-сотиқни эркинлаштириш масаласи муҳокама этилган эди. Натижада умумжаҳон савдо-сотиқ ташкилоти тузилди.

Бу йилги саммитда эса учта асосий мавзу бўйича баҳс юритилади. Булар Осиёдаги молиявий инқироз, ишсизликни камайтириш, уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш масалаларидир. Бу масалалардан энг мураккаби Осиёдаги молиявий инқироз бўлиб, уни ҳеч кечиктириб бўлмайди. Ғарбдаги саноати ривожланган давлатларнинг раҳбарлари кечаги кундаги «йўлбарс»ларга ёрдам бериш учун турли таклифлар киритишлари кутилмоқда. Бинобарин Осиёда юз берган бўроннинг тўлқинлари Лондон Ситисида, Уолл-Стритида ва Ғарбнинг бошқа йирик масканларида ҳам сезилиши мумкин.

«Саккизлик» раҳбарлари янги Европа валютаси тақдирига ҳам қизиқишлари турган гап. Ахир евро келгуси ҳаётий ҳақиқатга айланади. Бас шундай экан бу билан Америка ҳам, Россия ҳам, Япония ҳам ҳисоблашишлари зарур. Лондонда «бундан буён «саккизлик»да АҚШ, Япония ва Европа валюта иттифоқи тимсолидаги катта учлик ҳукмронлик қилади» деган гаплар ҳам пайдо бўлиб турибди. Чунончи, бу тахминлар амалга ошмай қолиши ҳам мумкин. Бирмингемда Россия ҳам клубни тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида биринчи марта фақат сиёсий масалаларнигина эмас, балки иқтисодий масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этади.

ПЕНИЦИЛЛИН ҚАНДАЙ КАШФ ҚИЛИНГАН?

1928 йил лондонлик шифокор Александр Флеминг ўзининг мўъжазгина лабораториясида нималарнидир ёзиб ўтирарди. Бир вақт у ўрнидан турди-да, дераза ёнига борди. Дераза токчасида оғзи қопқоқланган бир нечта шиша идишчалар турарди. Уларнинг ичида йирингли касаллик қўзғатувчи стафилококк деган микроблар урчитиб қўйилган эди.

Олим идишчаларнинг бирини қўлига олиб кўрди-ю, ҳайрон қолди. Идиш ичида кўк моғор пайдо бўлган эди. Аслини суриштирганда бу тасодифий ҳол эмасди.

Шифокорни ҳайрон қолдирган нарса идишнинг моғор босган жойидаги микроб тўпи йўқ бўлиб кетганди. Демак, кўк моғор (лотинчада пенициллиум) йирингли касаллик қўзғатувчи микробларнинг қушандаси экан.

Флеминг, моғор микробларни ўлдирувчи аллақандай суюқлик ажратиб чиқаришини ва бу суюқлик фақат стафилококк микробларинигина эмас, бўғма, қуйдирги ва зоҳм касалликларини тарқатувчи микробларни ҳам ўлдира олишини аниқлади.

Шифокор моғор моддасининг шифобахшлилик хусусиятини биринчи бор амалда синаб кўриш мақсадида бемор ярасини моғор суюқлиги шимдирилган дока билан боғлаб қўйди. Бу тажриба кўнгилсиз чиқди.

Шифокор мазкур суюқлик таркибидаги шифобахш моддани, яъни кейинчалик пенициллин деб ном олган дорини соф ҳолда ажратиб олиш усулини ҳали билмасди. Устига устак бу иш кимёвий йўл билан амалга оширилиши керак эди. Флеминг ишлаётган лабораторияда эса мутахассис кимёгар йўқ эди.

Шу сабабли ўша вақтларда унинг пенициллин устида олиб борган ишларига аҳамият берилмади.

1938 йилнинг охирлари. Ана шу кезларда машҳур Оксфорд университети (Англия) профессори Говард Флори раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар пенициллин олишга оид илмий тадқиқот ишларини яна бошлаб юбордилар. Бу гуруҳга кейинчалик Александр Флеминг ҳам қўшилди.

Ниҳоят, Флори ва унинг ходимлари оз миқдорда пенициллин ҳосил қилишга муваффақ бўлишди. Қони заҳарланган бир беморга бир неча бор пенициллин укол қилинди. Беморнинг иситмаси қолди, баданидаги фасод ҳам барҳам топди.

Шундай қилиб, пенициллин синовдан яхши ўтди. Энди уни саноат йўли билан кўплаб ишлаб чиқариш мумкин эди.

Пенициллинни кашф этганлари учун Флеминг, Флори ва Чэйнларга халқаро Нобель мукофоти берилди. Флорига катта ишонч билдирилиб, уни Англия Фанлар академиясига Президент қилиб сайлашди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади

МИЛЛИАРДЕР ХОНИМЛАР

Франциянинг «Loreal» ҳиссадорлик фирмаси раҳбари Лилиан Бетанкур дунёдаги бадавлат кишилар рўйхатидаги 26-ўринда туради. Ўтган йили унинг жамғармасидаги маблағи қарийб 8,5 миллиард долларга етди. У бошқараётган фирма 1936 йили унинг отаси Эжен Шулле томонидан ташкил қилинган бўлиб, ҳозир мазкур фирма унга соатига тўрт минг доллар даромад келтирмоқда.

Иккинчи бойвачча хоним Гонгконг қурилиш компанияси раҳбари Нини Ванг бўлиб, унинг маблағи етти миллиард долларни ташкил этади. Ушбу бойликнинг асосий қисми унга эридан мерос сифатида ўтган.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, дунёдаги миллиардер хонимларнинг аксарият қисми турмуш ўртоғи ёки отасидан қолган катта мерос эвазига шоҳона ҳаёт кечираётирлар. Хусусан, Американинг «Жонсон энд жонсон» компанияси бошқарувчиси асли польшалик Барбара Плецкий -- Жонсон хоним ҳам 34 ёшида мазкур фирманинг асосчиси Жона Жонсоннинг 76 ёшли ўғлига турмушга чиқиб, катта бойликка эга бўлган. Ҳозир бева 60 ёшда. Шунга қарамасдан, у компанияга раҳбарлик қилиш билан бирга, ўрта асрлар ва ноёб санъат асарлари коллекциясини йиғиш билан ҳам шуғулланади. Унинг бугунги кундаги бойлиги 1,5 миллиард доллар деб баҳоланмоқда.

ОЗОДЛИК УЧУН ТЎКИЛГАН ҚОНЛАР

ЁХУД БУЮК ВАТАНПАРВАРЛИК КУРАШИ

Андижон қўзғолонининг 100 йиллигига

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигини тикланиши тасодифий ва фавқулоддаги ҳодиса бўлмай, олиб борилган курашларнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Зеро, ўша 31 августда ўзбек халқининг қалбидан отилиб чиққан миллий-озодлик ғоялари чор Россиясининг тажовузкор ҳукмронлигига қарши курашларда шаклланган эди. Бу курашларда эрксевар ота-боболаримизнинг қонлари бамисоли дарё каби оқди, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди. Катта маданий талофатлар кўрилди. Чор ҳукумати ўзбек халқининг ватанга содиқлиги ва жасоратини қўпориб ташлашга қаратилган ваҳшиёна чораларни изчиллик билан амалга ошириб борди. Аммо улар халқнинг қаддини бука олмади, аксинча озодлик курашлари босқичма-босқич авжига чиқиб борди. Авваломбор 1892 йилда Тошкент шаҳрида халқ қўзғолони кўтарилди. Гарчанд у тор-мор этилган бўлса-да, лекин унинг акс-садоси бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб таралди. Унинг таъсирида Фарғона водийсида, хусусан Андижонда халқ ғалаёни юзага келди.

ҚЎЗҒОЛОННИНГ ЗАМИНИ ВА САБАБЛАРИ

Биринчидан, ўлкани чор ҳукумати томонидан босиб олиниши ва сиёсий мустақилликни тугатилиши озодлик курашини туб заминини шакллантирди. Чунончи, босқинчилар миллий давлат ва қўшинни, миллий маъмурий тизим ва бошқарувни йўқ қилди. Уларни ўрнига мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмга асосланган бошқарув тизими жорий этилди. Олий ва ўрта лавозимларга чор ҳукуматининг генераллари ва офицерлари, қуйи мансабларга эса маҳаллий халқ вакиллари — оқсоқоллари тайинланди. Булар мустамлакачиликнинг ўта шижоаткор ижрочилари эди, холос.

Шундай қилиб асрлар мобайнида ўз халқиға озмиқўпми барибир хизмат қилиб келаётган маҳаллий миллатнинг юқори табақа вакиллари четга суриб ташланди. Бу хусусда Фарғона вилоят ҳарбий губернатори Чайковский шундай ёзган: «Бўйсиндирилганига қадар Фарғона мустақил давлат ҳисобланиб ўзининг тарихига, ҳукмрон синфига ва бошқарув тизимига эга эди. Буларни йўқолганига ҳали чорак аср бўлгани ва янги шароитга мосланишига бир киши умричалик вақт ўтгани йўқ. Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табақаларнинг оддий бир кишиларга айланиш жараёни жуда қийин ва аламли кечмоқда. Шунинг учун тасодифий ҳодисаларни юзага келишини назарда тутган ҳолда туб аҳолини қаттиқ назорат остида ушлаб туриш ҳали узоқ давом этади». Кўриниб турибдики, губернатор сиёсий танглик ва хавфни яхши англаб таъқиб ва назоратни янада кучайтириш лозимлигини уқдириб ўтади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, маҳаллий юқори табақа вакилларининг илғор қисми фақат хокимиятдан маҳрум этилганликлари учун эмас, балки уларнинг ватанпарварлик ва миллий ҳис-туйғулари чор ҳукуматига қарши душманлигини уйғотган эди. Чор ҳукумати халққа сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни беришни хаёлига ҳам келтирмай улуғ миллатчилик — шовинистик сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб борди. Бу Туркистон заминини том маънодаги мустамлака объекти сифатида ўз панжасида қаттиқ ушлаб турди.

Иккинчидан, қўзғолонни ўлкада юзага келган оғир иқтисодий ва маънавий ҳаёт ҳам етиштирган эди. Чор ҳукумати барча унумдор ерларни ва сувни эгаси бўлиб қолди. Айни пайтда тоғ жинслари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сингари ноёб бойликлар ҳам босқинчиларнинг ихтиёрида эди. Чор ҳукумати биринчи навбатда ўлкани Россиянинг хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш учун ҳеч нарсадан тоймади. У айниқса пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. Намангизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон... Юртимизга Россия келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон тахтига Чернаев ўтирди. Фарғона хонлиги ерида Москов хонлиги — оқподшо ҳукмрон бўлди. Россия ватанимизни истило этди. Сўнгра тилимизни истило қилди. Секин-аста динимизни истило қилмоққа бошлади. Биласизларки, мусулмонларни ахлоқи бузилди. Босқинчиларни келганича ўттиз йил тўлмай, мусулмонлар рибога айланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут тақадиган бўлди. Ҳурриятимиз ғойиб бўлди, истиқлолимиз маҳв бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлдик. Эй, воҳ...

Оқ подшонинг номидан янги фармон келди. Николайни номини жума намоз хутбасида хутбага қўшиб ўқилсин деб ва яна кўчирма сиёсати ила ватанимизга мужикларни ерлаштирди, ҳар тарафни тўнғиззор қилди. Қубани (Қувани) Федченко, Марғилонни — Гурчаков (Горчаков), Симый — Искобилиф (Скоблев), Боғдодни — Серова, Конибодомни — Мельников деб, ҳамма шаҳарларимизга урус генералларининг исмини тақди.

... Аксар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконларига, ошхоналарига, қиморхоналарига муштарий бўлди, фоҳишахоналарга ўрганди, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди».

Мазкур ватанга содиқлик туйғулари билан суғорилган сатрлар қўзғолон сабабларини англашда муҳим аҳамият касб этади.

ПРИКАЗЪ
по войскамъ Туркестанскаго военнаго Округа.
Г. Ташкентъ. Іюня 9-го дня 1898 года.
№ 136.

(По Окружному Штабу).

ҚЎЗҒОЛОННИНГ БОШЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Юқорида шарҳланган мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм жамоа аҳлининг барча тоифаларини бирлаштириб чор ҳукуматига қарши бош кўтаришига олиб келди. Шуни айтиш лозимки, Фарғона водийсида халқ ғалаёнлари 1879, 1882 ва 1885 йилларда кўтарилган. 1885 йилда Дарвишхон бошчилигида ҳам қўзғолон юзага келган. Шунингдек, бундай ҳаракатлар 1895-1897 йилларда ҳам содир бўлганлиги маълумдир. Мазкур озодлик курашлари пировардида, яъни 1898 йилда йирик қўзғолонни кўтарилишига замин ҳозирлади. Бутун Россияни ларзага солган мазкур қўзғолон даставвал Андижон атрофидаги Мингтепа қишлоғида тайёрланган. Бу ерда истиқомат қилаётган Муҳаммадали Халфа Собир ўғли асли ҳунарманд оиласидан чиққан бўлиб, «йиқчилик» ҳунари билан ва ривожланиши маҳаллий аҳолини бошига битган бало бўлди. Чунки, улар халқни унумдор ерлардан ва сувлардан маҳрум этилишига олиб келди.

Айниқса, темир йўлларнинг қурилиши мустамлакачилик сиёсати янада кучайиб, ўлкани Россияга қарамлигини мустаҳкамлади.

Чор ҳукумати ўзбек ва бошқа туб аҳолининг миллий тили ва маданиятини ривожланишига ошкора тўсқинлик қилди. У мактаб ва мадрасаларни таъминлашга маблағ ажратмай уларни ўрта аср қолоқчилигида сақлаш ва миллий ҳис-туйғуларни бўғишга қаратилган чораларни кўрди.

Чор маъмурияти ислом динини ҳам қаттиқ назорат остига олиб, унинг вакилларини энг хавфли душман ҳисоблаб, вақф ерларини жуда қисқартирди ҳамда нуфузли кишилар сиқиб қўйилди. Айрим маълумотларга кўра қўзғолон раҳбари Муҳаммад Халфа Собир ўғлининг (1856-1898) халққа қаратилган мурожаатида вазиятни қуйидагича баён этган: «Эй, бирадарлар! Ҳаммамиз шуғулланиб турган. У дин пешвоси сифатида ҳам ном чиқариб «камбағалпарвар, бечораларни суювчи» бўлган. Ҳамда қўлига нима тушса бева-бечораларга сарф қилиб турган. Муҳаммадали Халфа ўта ватанпарвар бўлганлиги учун мазлум халқини мустамлака зулмидан озод этишни муқаддас бурчи ҳисоблади.

Манбаларда кўрсатилишича, у бир неча бор ишончли кишилар билан махфий йиғилишларни ўтказиб қўзғолонга тайёргарлик кўрган. Биринчи навбатда қўзғолонга даъват этувчи «чақириқ қоғозлари» Фарғона вилояти бўйича тарқатилиб одамларни Мингтепага келишлари таклиф қилинади. Муҳаммадали Халфа қўйидаги тарзда халққа мурожаат қилган эди: «Тарихда ўтган муаззам бир салтанат қўрғон қаҳрамон паҳлавонлар авлодимиз — бу зиллатга ҳеч қандай зирҳ чидамас. Қани биздаги шижоат, қани аждодларимиздаги басолат, сизларга нима бўлди? Муҳаммад динида 400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Муҳаммад. Ҳаммаси ҳанафий мазҳабдур. Бир исмда, бир мазҳабда, бир қабристонда бу қадар олимлар Туркистондадир... Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмагандир. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, бажодур. Эй, бирадарлар, бизлар шундоқ аждоднинг набираларимиз... Эй, бирадарлар, ҳурриятимизни олайлик, ўз ватанимиз, ўз юртимизда ўзимиз ҳукумат қурайлик».

Бинобарин, Муҳаммадали Халфанинг оташин ва ватанпарварлик мурожаати шу ҳақда гувоҳлик берадики, у мазлум халқнинг хоҳиши иродасини изҳор қилиб ҳурриятни, яъни мустақиллик ва миллий давлатни тиклаш учун курашишга чақирди. Ўша сатрларда она юртнинг буюк ўтмиши ва тараққиёти билан ғурурланган ва фахрланган ҳолда қаҳрамонларча курашиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Муҳаммадали Халфа томонидан руҳлантирилган ва отлантирилган мазлум халқ 1898 йил 17 майда унинг бошчилигида Мингтепада бош кўтариб, Андижон шаҳри томон йўл олди.

Муҳаммадали Халфа оқ от минган ҳолда қўзғолончиларни бошлаб йўлдаги бир нечта қишлоқларни босиб ўтди. Бу жойлардаги халқнинг талай қисми қўзғолончилар сафига қўшилди. Уларнинг орасида ўзбеклар билан бирга тожиклар ва қирғизлар ҳам бор эди. Қўзғолончилар йўлда айрим золим маҳаллий амалдорларни жазолашга ҳаракат қилдилар. Зеро, оломон бир қозини уйини талон-тарож қилдилар. 1000 пиёда ва 1000 отлиқ кишилардан иборат қўзғолончилар Андижон шаҳридаги ҳарбий гарнизонга ҳужум қилдилар. Бу ердаги жанг Андижон ҳарбий гарнизони бошлиғи Михайловнинг кўрсатишича, ниҳоятда шиддатли бўлган. Гарнизон ичига бостириб кирган қўзғолончилар уйқудаги солдатларни бирма-бир ўлдираверганлар. Ҳар икки томон ўртасидаги жанг борган сари қизиб солдатлар ваҳимага тушган. Бироқ улар дарҳол ўзларини ўнглаб олиб ҳужумга ўтганлар. Асосан қилич, ханжар, сўйил, болта билан қуролланган қўзғолончилар ҳимояга ўта бошлаганлар. Уларнинг орасида ўлжага олинган тўппонча ва милтиқ билан қуролланган кишилар солдатларга қарши ўқ узиб турганлар. «Бир маҳал, — деб ёзади муаллифлардан бири, — ўзбеклар чекина бошлади. Лекин байроқ атрофида бир тўдаси қимирламай турарди. Мулла кўк байроқ остида баланд овозда Қуръон ўқир, чекинишни истамас эди. Уни ёнида баланд бўйли йигит байроқ кўтариб турарди. Шунда аскар отган ўқ муллани қулатди. Байроқдор уни ўлигини қўлтиқлаб олди, аммо у ҳам ўлдирилди. Аскарлар ўзбекларни найза ва қўндоқлар билан уришди. Улар эса қуроллари ва бизни қуроллар билан ўзларини ҳимоя қилишди, аммо муваффақият қозонишолмади».

Хуллас шиддатли жанглардан сўнг, солдатлар ғолиб келиб қўзғолончилардан кўп кишилар ўлдирилди ва яралар қилинди. Бундай бўлиши табиий эди, албатта. Негаки, гарнизондаги яхши қуролланган мунтазам қўшинга асосан оддий нарсалар билан қуролланган оломоннинг бас келиши жуда қийин эди. Шунга қарамай, қўзғолончилар қаҳрамонона жанг қилиб 22 солдатни ўлдирдилар, 24 кишини жароҳатладилар. Қўзғолон бостирилгандан кейин жазо отряслари Андижон шаҳри ва атроф жойларда шу даражада ваҳшийларча иш юритдиларки, уларга тегишли маълумотларни изоҳлашга сўз ва қалам ожизлик қилади. Қўзғолон қатнашчиларидан жами 777 киши ҳибсга олиниб, тергов қилинди. Кўп кишилар калтаклашларга ва қийноқларга чидолмай қамоқхоналарда ўлдилар. Терговдан кейин 415 киши суд қилинди. Улардан 32 киши оқланди ва 380 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди. Бундан ташқари кўп кишилар узоқ муддатли қамоқ жазоси ва сургунга ҳукм этилди. Қўзғолонда болалар ҳам қатнашганлиги учун улардан 3 та ёш бола тарбиявий қамоққа ҳукм қилиндилар. Айни пайтда Мингтепага қарашли учта катта қишлоқдаги аҳоли кўчирилиб, уларнинг хонадонлари ер билан яксон қилинди. Уларнинг ўрнида рус посёлкалари ташкил этилди. Булардан ташқари Андижон атрофида яна 5 та қишлоқ бузиб ташланиб, 700 хонадон йўқ қилинди.

1898 йил 12 июнда Андижон шаҳрида мажбурий суратда аҳоли, жумладан, болаларни тўплаб, уларнинг ҳузурида Муҳаммадали Халифа Собир ўғли, Ғойибназар Ортиқхўжа ўғли, Субҳонқул Араббоев, Рустамбек Сотиболдибек ўғли Мирзаахмадали Усмонбоев ва Бўртабой Ғойибов сингари қўзғолоннинг сардорлари дорга осилиб шу ерга кўмилди ва қабрлари текислаб юборилди.

Хулоса: 1898 йил Андижон қўзғолонининг моҳияти ва йўналиши мустамлакачилик сиёсати ва зулмни қўпориб, Ватан мустақиллиги ва озодлигини тиклашдан иборат эди. Унинг қатнашчилари деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, мардикорлар ва бошқа оддий кишилардан ташкил топган эди. Шунингдек, унда маҳаллий юқори табақаларнинг ватанпарвар, жасоратли ва мард вакиллари фаол қатнашдилар. Шуниси диққатга сазоворки, қўзғолончилар тўғридан-тўғри ҳарбий гарнизонга ҳужум қилиб озодлик курашини юқори чўққига кўтарди. Бундай давлатнинг устуни бўлмиш — ҳарбий гарнизон билан тўқнашиш миллий - озодлик ҳаракатида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Андижон қўзғолони бостирилган бўлсада, аммо у чор ҳукуматининг ўлкадаги мавқеига анча қаттиқ зарба бериб, халқнинг миллий ҳис-туйғулари ва сиёсий онгини янада чиниқтирди. Ҳамда янги озодлик курашларга замин ҳозирлади. Зеро, ҳажми ва салоҳияти жиҳатидан тенги йўқ 1916 йилдаги қўзғолонлар, сўнгра «босмачилик» ҳаракати Андижон қўзғолонининг мантиқий давоми ва маҳсулидир. Айни пайтда қўзғолон кўз ўнгимизда Ўзбекистон мустақиллиги учун олиб борилган зафарли курашнинг бақувват илдизи сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. Иншоолло, озодлик учун тўкилган қонлар беҳудага кетмай, юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида мустақилликка эришиб, ота-боболаримизнинг орзу-истаклари ниҳоят рўёбга чиқди. Бундай озодлик ва бахт-саодат билан ғурурланиш ва фахрланишга ҳақлимиз.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун миллий ва эркин алмаштириладиган валютада кредитлар олиш учун инвестиция таклифлари қабул қилишни давом эттирмоқдалар. Кредитлар олиш шартлари ва маслаҳатларни Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидан олиш мумкин.

МАНЗИЛ: 700015, Тошкент, Госпитальний мавзеси, 12.
Телефонлар: 54-04-87, 55-56-33, 136-33-31, 133-27-07.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО»

ҳиссадорлик жамияти

Ўз акционерларига шуни маълум қиладики, 1998 йилнинг I-чораги учун дивидендлар миқдори 62 сўм 70 тийинни ташкил этди.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Узбекистон ХДП МК Котибияти ва Марказий тафтиш комиссияси Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти Тафтиш комиссияси раиси **Куанишбой ТУРДИКУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 28.061 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.20.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА